Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · "Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24321129

ta'minlashning ustivor yo'nalishlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

5-SHO'BA. MILLIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISHNING ASOSIY VA USTUVOR YO'NALISHLARI: INSON KAPITALILINI RIVOJLANTIRISH, YASHIL TARANSFORMATSIYALAR, RAQAMLI IQTISODIYOT VA INNOVATSIYALARNI RIVOJLANTIRISH, GLOBAL VA MINTAQAVIY IQTISODIY HAMKORLIKNI FAOLLASHTIRISH

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Вахобов Абдурашид Расулович
"International school of finance technolojy and science" нодавлат олий таълим муассасаси Фундаментал иқтисодий фанлар кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.
abdurashidvoxobov058@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ва уни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта компаниялари, ҳаёт суғуртаси, инвестиция фаолияти, молиявий ресурслар, қимматбаҳо қоғозлар, инвестиция сиёсати, инвестиция портфели.

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими инвестиция фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорлари қабул қилиш, инвестиция фаолиятини тўғри, оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда мақсадли йўналтириш суғурта компанияларининг келажагини ҳамда истиқболини белгилаб беради.

Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини амалга ошириш орқали молиявий мабағларга эга бўлади. Ушбу ҳосил бўлган маблағларни янги суғурта хизмати турларини кўпайтиришга ҳамда ушбу вужудга келадиган маблағларни аниқ, самарали инвестицияларга йўналиш чора-тадбирларини кўришлари лозим бўлади. Бунинг учун хорижий давлатлар илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда янги йўналишларни белгилаб олиш, мамлакат миқиёсида тадбиқ этилиши мумкин бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш, инвестицияга йўналтириладиган маблағларни жойлаштириш манъбаларини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шу билан биргаликда инвестиция фаолияти давомида юзага келувчи муаммолар юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, керакли таклиф мулоҳазалар билдирилиши, аниқ вазифаларни белгилаб олиниши, фойда (даромад) олиш самарадорлигини имкониятларини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Суғурта компанияларига бутун жаҳонда миллий иқтисодиётга йирик маблағлар қўювчи молиявий ва инвестиция институтлари деб қаралади. Ҳозирда фуқароларни ва юридик шахсларни мулкий ва шахсий манфаатларини самарали ҳимоялай оладиган суғурта тизимини яратиш асосий мақсад бўлиб, у қуйидагиларни таъминлаши лозим:

кутилмаган табиий офатлар, техноген авариялар ва фожиалар натижасида кўрилган зарарларни, суғурта ташкилотлари заҳиралари ҳисобига (бюджетга оғирлик туширмасдан) қоплаш;

Published: 23.12.2024

Cite this article: Вахобов Абдурашид Расулович (2024). Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24321129

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

суғурталашдан имкон қадар инвестиция ресурслари манбаи сифатида фойдаланиш.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун:

суғурталаш тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

суғурта фаолиятини бошқарувчи ҳукуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

суғурта хизматлари бозорида тузилма (структура) сиёсатини жадал суръатларда олиб бориш;

суғурта фаолиятининг давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш;

миллий ва жаҳон суғурта бозорлари муносабатларини ривожлантириш керак.

Мамлакат суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини самарали олиб боришлари учун қулай шароитларни яратиш, лозим бўлган вақтда имтиёзларга эга бўлиш, инвестиция манбалари, молиявий инструментлар сонини кўпайтириш лозимдир. Аммо ушбу шароитлар ҳозирда мамлакатимизда яхши йўлга қўйилмаганлиги, суғурталашни амалга оширишда тажрибанинг етишмаслиги, молиявий бозор эса тўлиқ ривожланмаганлиги суғурта ҳамда инвестиция фаолиятини қонун бўйича амалга оширилишида бир қанча қийинчиликлар туғдирмоқда. Инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш, камчиликларни бартараф этишга боғлиқдир.

Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятининг ҳозирги вақтдаги ҳолати таҳлилига кўра, мамлакат суғурта компаниялари инвестиция фаолиятида хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ва уларни миллий иқтисодиётимиздаги ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда амалиётда тадбиқ этишда бир қатор муаммолар мавжуд:

- инвестиция соҳаси бўйича малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- инвестиция обьектларининг чегараланганлиги;
- инвестицияга йўналтирилаётган маблағларни ўз вақтида қайтарилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги.

Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятларини самарали олиб боришда рухсат берилган молиявий инструментлар турларининг камлиги;

- мамлакат молия бозорида молиявий инструментларнинг жаҳон стандартлари даражасида ривожланмаганлиги; айрим инвестиция йўналишларининг қонуний норматив хужжатлар базаси билан таъминланмаганлиги;
- даромад фоиз ставкаларининг пастлиги, давлат томонидан инвестиция йўналишларининг чегаралаб қўйилганлиги;
- қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг фаолиятининг сустлиги; республикамизда қайта суғурта компанияларининг ташкил топмаганлиги;
- республика фонд бозорининг тўла ривожланмаганлиги, суғурта компанияларида инвестиция фаолиятини бошқара оладиган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- инвестиция объектлари ҳақидаги маълумотларнинг камлиги;

Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар тамонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Бу ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни тақазо этади. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини жадаллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берувчи асосий омил ҳисобланади.

Суғурта ташкилотлари тасарруфида катта миқдордаги молиявий ресурсларни тўпланиши, уларни иқтисодиётни ривожланишида муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Суғурталовчилар томонидан молия ресурсларининг тўпланиши

суғуртани фаол инвестиция сиёсати йўли билан иқтисодиётнинг асосий омилига айлантиради. Бошқача сўз билан айтганда, суғурталовчилар турли полис эгаларидан олинган пассив пул маблағларни молия бозорида ҳаракат қилувчи актив капиталга айлантиришади.

Инвестицияларни бошқариш суғурта компанияларни муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Инвестиция сиёсати қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

суғурта компаниясида шаклланган инвестиция портфели, инвестиция сиёсатини яъни, суғурта компаниясининг рақобатдошлигини ва барқарорлиги юқорилигини таъминлаши;

суғурта компанияси инвестиция сиёсатини юқори ишончлилигини таъминлаши;

Инвестиция даромадлилиги ва ишончлилигини таъминланишининг асосий таянчи ҳисоб-китоблар ҳисобланади.

Инвестиция портфели қулайлигини танлашда биринчи ўринда иккита асосий турдаги рискларни ҳисобга олиш лозим:

суғурта ходисаси рўй берганда, суғурта қопламасини пул маблағлари шаклида тўланишини талаб этадиган суғурта рисклари;

инвестиция институтларида ўз маблағларини ва суғурта захираларни йўқотиш риски яъни, инвестиция рисклари.

Суғурта компанияларнинг инвестиция сиёсатида суғурта риски унинг фаолиятидан яъни, суғурта компанияси суғурта шартномаси бўйича рисклар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаёти, соглиги, мол-мулкларга етказилган тасодифий зарарларни қоплаш мажбуриятидан келиб чиқади.

Инвестиция институтларининг тўлов қобилиятини сустлиги, инвестиция бўйича режалаштирилган асосий кўрсаткичларга салбий таъсири оқибатида маблағларни йўқотиш рискини юзага келтиради.

Мамлакатимиз иктисодиётининг янада эркинлашуви шароитида суғурта фаолияти бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур фаолиятнинг янги талаблар асосида ривожланиши ва такомиллашиб бориши иқтисодиётнинг кўп укладлилик характери билан уйғунликда кечмоқда.

Ўзбекистонда жадал амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш даврида суғурта фаолиятининг ўзгариши, кўлами ва йўналиши кенгайиб бораётганлиги, уни мамлакатимизда стратегиик аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида тадқик этиш заруратини юзага келтирди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда суғурта компанияларини инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш тамойиллари ва йўналишлари қуйидаги чора - тадбирларни амалга оширишни талаб этади:

Мамлакатимизда молия бозори тўла қонли яратилмаганлиги, айниқса қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори яхши йўлга қўйилмаганлиги, суғурта компанияларнинг инвестиция фаолиятини чеклаб қўймоқда. Бунинг учун суғурта компанияларни инвестиция фаолиятини такомиллаштириш мақсадида иккиламчи бозорни ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

Республикамизда ҳаёт суғуртасини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Давлат томонидан кафолатланган узоқ муддатли, юқори фоизли даромад берувчи қимматли қоғозларни жорий этиш. Сабаби Республикада ҳаёт суғуртасини ривожланиши биринчидан суғурта ташкилотлари тушумларини ошишига, узоқ; муддатли ички инвестиция маблағларини ўсишига олиб келса, иккинчидан давлат ташқи қарзини камайтиришга ва давлат бюджети барқарорлигини таъминланишига ёрдам беради;

Бугунги кунда суғурта компаниялари маблағларини малакали тарзда амалга ошириш учун мутахассислар етишмаяпти. Шу сабабли суғурта тарифларни

ҳисоблаш, суғурта захираларини инвестиция дастурларини тахлил қилиш ва истиқболини белгилаш билан боғлиқ бўлган актуарий институтини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир;

Суғурта компаниялари инвестицияга маблағларни йўналтириш жараёнида фючерс ва опцион шартномалар тузишлари керак. Бу турдаги шартномалар тузиш орқали инвестициядан келадиган даромадларни камайишини ёки йўқотилишини олдини олиш мумкин;

Республикамиздаги айрим йирик компанияларни ҳисобга олмаган ҳолда айтадиган бўлсак, инвестицион портфелни бошқаришни ўз зиммаларига олишмоқда. Бугунги кунда компанияларда портфелни бошқариш бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги кузатилмоқда. Инвестиция портфелини шу иш билан шуғулланувчи ташкилотларга бериш, яъни аутсорсингни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғурта компанияларини фаолияти бўйича ойлик газета ва журналлар ташкил қилиш, ундан ташқари ташкилотларнинг акциялари баҳолари котировкасини чоп этиб борувчи нашрлар ташкил этиш керак. Шунда, суғурталовчиларни акцияларни сотиб олиш ёки сотиш имкониятлари ошса, суғурта қилдирувчилар учун эса суғурта компанияларни танлаш имконияти бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 03/21/730/1089-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги 108-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2024 й., 07/24/108/0171-сон;

3.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисида низом” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 29-сон, 340-модда.

QISHLOQ XO‘JALIGIGA BOZOR MEXANIZMLARINI JORIY QILISH

Turayeva Gulizahro
Guliston davlat universiteti o‘qituvchisi
Sheraliyeva Farangis Narzulla Qizi
Guliston davlat universiteti magistri
Iskanova Mavlyuda
Guliston agrotexnologiyalar texnikumi o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Hozirgi paytda qishloq xo‘jaligini rivojlantirishda ma’lum bir iste’molchilarning talablarini aniqlash va qondirishga qaratilgan marketingga ko‘proq e’tibor qaratilmoqda. Agar oldin korxona birinchi navbatda ishlab chiqarishga tegishli tadqiqotlarni bajargan bo‘lsa, unda marketing tizimi asosiy e’tiborni bozordagi ahvolning tahliliga qaratadi. Agar qishloq xo‘jaligi mahsulotlari assortimentini rejalashtirish oldin faqat uning sifatini yaxshilashga qaratilgan bo‘lsa, unda marketing tizimi, asosan, iste’molchi talablarini hisobga oladi.

Keyingi yillarda qishloq xo‘jaligini isloh qilish va bozor mexanizmlarini joriy etish bo‘yicha qator ishlar amalga oshirildi. Davlat xarid narxlari qariyb 3 barobarga